# КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ БИЛАН!

2010 ЙИЛ 31 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 249 — 250 (11.810 — 11.811)

Баҳоси эркин нархда

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Кириб келаётган янги – 2011 йил муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, компаниялар бошлиқлари ўзларининг самимий табрикларини йўллашмоқда. Уларда Юртбошимизга ҳамда Ўзбекистон халқига тинчлик ва осойишталик, соғлиқ ва саломатлик, олиб борилаётган ишларда улкан ютуқ ҳамда омадлар изҳор этишдек эзгу ниятлар билдирилган.

Жумладан, қуйидагилардан Янги йил қутловлари олинди:

Россия Федерацияси Президенти
**Дмитрий Медведев;**

Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси
**Владимир Путин;**

Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти
**Кристиан Вульф;**

Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери
**Ангела Меркель;**

Корея Республикаси Президенти
**Ли Мён Бак;**

Испания Бош вазири
**Хосе Луис Родригес Сапатеро;**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти
**Халифа бин Зоид Ол Наҳаён;**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-Президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими
**Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум;**

Туркманистон Президенти
**Гурбангули Бердимуҳамедов;**

Қозоғистон Республикаси Президенти
**Нурсултон Назарбоев;**

Қирғизистон Республикаси Президенти
**Роза Отунбаева;**

Тожикистон Республикаси Президенти
**Имомали Раҳмон.**

*Самимий табриклар келиши давом этмоқда.*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда 2011 йилни Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб номлаш юзасидан киритган таклифи жамоатчилик томонидан мамнуният билан маъқулланди. Бунинг бежиз эмаслиги шунда кўринадики, тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ўрни салмоқли бўлиб бормоқда.**



Ҳакимжон Солиҳ[illegible] олган сурат

### 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

## СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИККА — МУҲИМ ЭЪТИБОР

Мамлакатимизда кичик ва хусусий бизнес ривожланишига ҳар томонлама шароитлар яратиб берилмоқда. Бунинг натижаси нафақат иқтисодиётни ривожлантиришда, балки қўшимча иш ўринлари яратишда, аҳолининг барқарор даромад манбаига эга бўлишида ҳам муҳим омилга айланмоқда. Ички бозорда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар кўпаймоқда, тадбиркор жамоалар томонидан замонавий технологиялар асосида тайёрланган рақобатбардош товарларга хориждан ҳам буюртмалар кўпаймоқда.

Янги йилда тадбиркорларимизга имкониятлар эшиги янада кенг очилиши тайин. Бу эса иш самарасидан, янги-янги марралардан дарак беради, албатта.

— Мустақиллигимизнинг илк йилларидан тадбиркорликка катта эътибор қаратила бошланди, — дейди «GAUCH» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Александр Рожков. — Яратилган қулай имкониятлар асосида ташкил топган корхонамизда ҳам йилдан йилга маҳсулот турлари кўпайиб, ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда. Ишончимиз комилки, Янги йилда имкониятларимиз янада кенгайиб, ютуқларимиз салмоғи бундан-да ошади. Энг муҳими иқтисодиётимиз равнақидаги ҳиссамиз кўпайишига эришилади. Билдирилган ишонч, яратилган қулай шароитлар, имтиёзларнинг жавоби, шубҳасиз, шунга яраша бўлиши лозим, деб ҳисоблайман. Бу борада корхонамиз ишчи-хизматчилари ҳам саъй-ҳаракатларни асло бўшаштирмайди.

(Давоми 2-бетда)

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

**30 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йилдаги фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ўринбосари М.Ражабованинг ахборотини тингладилар.

Мажлис қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати 2010 йилда ўз эътиборини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 26 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисидаги, 2010 йил 27 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» номли маърузаларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуидаги маърузасининг асосий қоида ва хулосаларини рўёбга чиқариш масалаларига қаратдилар.

Ушбу масалалар мамлакат парламенти юқори палатасининг иккинчи ва тўртинчи ялпи мажлисларида кўриб чиқилиб, улар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг парламентни демократик ўзгартиришларни ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги либерал ислоҳотларни амалга оширувчи органга айлантиришни, фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат қурилиши тизимидаги ҳуқуқлари, ваколатларини кенгайтиришни, оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштиришни, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар сиёсатининг ошкоралиги ва очиқлигини таъминлашни назарда тутувчи тегишли ҳаракат дастурлари қабул қилинди. Ҳаракат дастурларида Сенат қўмиталарининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмини кучайтириш, мамлакат хавфсизлигини, барқарорлигини таъминлаш, унинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунчилик, назорат-таҳлил фаолиятининг энг муҳим йўналишлари бўйича қўмиталар ишини мувофиқлаштириш, шунингдек, парламент фаолиятининг турли шаклларини - қўмиталарнинг сайёр мажлисларини, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим масалалари бўйича парламент эшитувларини, конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ўтказиш масалаларига алоҳида ўрин берилди.

Сўзга чиққан Кенгаш аъзолари, Сенат қўмиталарининг раислари ва Олий Мажлис Сенати Девони бўлимларининг раҳбарлари ҳисобот даврида қилинган ишлар ҳақида қисқача ахборот бердилар ҳамда мамлакат парламенти юқори палатасининг фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

(Давоми 2-бетда)

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ДЕПУТАТЛАР ҲАРАКАТ ДАСТУРИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР

**30 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жорий йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида таклиф этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш юзасидан 2011 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури лойиҳасини кўриб чиқдилар. Дастур Қонунчилик палатасининг қарорига мувофиқ тузилган махсус ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган.

Дастур Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракцияларининг фикрларини ҳисобга олган ҳолда кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган демократик ўзгаришларни, либерал ислоҳотларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган. Унда ҳар бир партиянинг жамиятимиз турли қатламларининг манфаатларини ифодаловчи дастурий ғоялари ифодаланган. Дастурда депутатларнинг давлатимиз раҳбари томонидан Концепцияда баён этилган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос бўлган бундан буёнги иш фаолиятининг олтита энг муҳим йўналиши белгиланган.

Савол-жавоблардан сўнг ушбу масала атрофлича муҳокама этилди. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси депутатлари Қонунчилик палатасининг 2011 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурининг мақсади Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида таклиф этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича қонунчилик, ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни белгилашдан иборат эканлигини таъкидладилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожлантиришнинг янги босқичини, Ўзбекистон мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлни холисона таҳлил қилган ҳолда ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг кенг миқёсли дастурини илгари сурганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Мустақил ёш давлатимизнинг ўтган йилларда қўлга киритган ютуқлари мамлакатни тадрижий, босқичма-босқич ривожлантириш борасида танланган йўл тўғрилигини ва бундан буён ҳам шу йўлдан бориш зарурлигини яққол тасдиқлаб турибди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари давлатимиз раҳбари томонидан баён этилган мамлакатни янада ислоҳ қилишнинг энг муҳим олтита устувор йўналиши халқ фаровонлигини изчил ошириш, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун улкан аҳамиятга молик эканлигини таъкидладилар. Ана шу устувор йўналишларга мувофиқ ишлаб чиқилган қонун ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш, турли тадбирларни ўтказишнинг аниқ режаси Қонунчилик палатаси депутатларини келгуси йилда ҳам самарали ишлашга чорлайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган мақсадларга муваффақиятли эришиш учун мамлакатимиз барча давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқароларининг фаоллиги ва масъулиятини ошириш талаб этилиши таъкидлаб ўтилди.

(Давоми 2-бетда)

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг фракцияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

**● Янги йил арафасида Ғиждувон туманидаги Чармгарон қишлоғида намунавий лойиҳалар асосида қурилган 20 та турар жой фойдаланишга топширилди.**

**● Булоқбоши туманидаги «Эгамберди боғи» фермер хўжалиги жамоаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга ихтисослаштирилган янги иншоотни фойдаланишга топширди. 65 миллион сўмлик маблағ эвазига бунёд этилган мажмуада бир мавсумда 100 тоннагача мева ва полиз экинларини сақлаш мумкин.**

**● Янги йил арафасида «Маҳалла» хайрия жамғармаси Бухоро вилояти бўлими қишлоқларда яшовчи 55 та ёш оилага бир бошдан қорамол совға қилди.**

**● Наманган шаҳри марказида 8 та кўп қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилди. Ушбу уйлар 190 хонадонга мўлжалланган бўлиб, уларнинг барчасида замонавий қулайликлар яратилган. 14 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига бунёд этилган замонавий турар жойлар фуқароларга ипотека кредити асосида берилди.**

**● Янги йил байрами арафасида Китоб туманидаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида «Гранд» савдо ишлаб чиқариш мажмуаси иш бошлади. Ҳозир бу ерда замонавий технологиялар ёрдамида 30 га яқин турда ширинликлар, замонавий ва миллий услубда тайёрланган пишириқлар, нон ва нон маҳсулотлари тайёрланиб, аҳоли дастурхонига тортиқ этилмоқда. Янги мажмуанинг ишга туширилиши билан 14 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.**

**● Кармана тумани марказида янги «Бахт уйи» қуриб битказилди. Умумий қиймати 360 миллион сўм бўлган никоҳни қайд этиш идораси биноси «Шарқ қурилиш сервис» масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Европарламент 12 январда Белоруссия бўйича шошилинч йиғилиш ўтказади.**

**● Куба ва Россия парламентлараро ҳамкорлик юзасидан шартнома имзолади.**

**● 1 январдан бошлаб Эстония евро ҳудудга кирган 17-мамлакат бўлади. Ижтимоий сўровларга кўра, мамлакатнинг евро валютасига ўтишини 52 фоиз аҳоли қўллаб-қувватламоқда, 39 фоизи эса қарши чиқмоқда.**

**● Италия маъмурлари 1 январдан бошлаб пластик пакетларни ишлаб чиқариш ва фойдаланишга тақиқлов киритди. Ҳукуматнинг ушбу экологик сиёсати кўпчилик аҳолига маъқул келди.**

**● Боливияда беш кундан буён ҳайдовчиларнинг иш ташлаши давом этмоқда. Улар бензин нархининг кескин оширилишига нисбатан норозилик билдирмоқдалар.**

**● Кеча Мексика шимолида жойлашган Монтеррей шаҳрида наркомафиянинг полиция участкасига ҳужум уюштириши натижасида 4 нафар полициячи ва бир шифокор ҳалок бўлди. Таъкидлаш жоизки, Мексикада 2006 йилдан буён гиёванд моддаларни тарқатувчиларга нисбатан кескин кураш очилган. Декабрь ойида йирик наркогуруҳлардан бирининг бошлиғи полициячилар томонидан йўқ қилинганидан сўнг вазият янада кескинлашиб кетди.**

## Мушоира

### ЯНГИ ЙИЛ ҚЎШИҒИ

*Диллар бу кун турибти-я, яшнабгина,*
*Туйғуларим юлдузларга ўхшабгина,*
*Энг мусаффо манзилларга бошлабгина,*
*Сўлим-сўлим орзуларга кон янги йил,*
*Хуш келдинг-эй, хуш келдинг-эй, жон янги йил.*

*Қорлар эмас биллур каби нигоҳлар бу,*
*Кўнглинг пок тут деган нидо огоҳлар бу,*
*Ҳали ҳеч не ёзилмаган варақлар бу,*
*Сўлим-сўлим орзуларга кон янги йил,*
*Хуш келдинг-эй, хуш келдинг-эй, жон янги йил.*

*Ҳеч қаерга сиғмай чопган болажонлар,*
*Юрагимга туташ нурли толажонлар,*
*Тўйларингда ўйнаб берсин холажонлар,*
*Сўлим-сўлим орзуларга кон янги йил.*
*Хуш келдинг-эй, хуш келдинг-эй, жон янги йил.*

*Она замин жамолини очгай яна,*
*Олам узра ёғдуларин сочгай яна,*
*Тоза диллар илҳомлари тошгай яна,*
*Сўлим-сўлим орзуларга кон янги йил,*
*Хуш келдинг-эй, хуш келдинг-эй, жон янги йил.*

*Мукаррамдир доим ҳазрат боболарим,*
*Яратганга шукр айтган момоларим,*
*Дуо айлар бошдан кетмас ҳумоларим,*
*Сўлим-сўлим орзуларга кон янги йил,*
*Хуш келдинг-эй, хуш келдинг-эй, жон янги йил.*

**Ғайрат МАЖИД**

### ЭЗГУ ТИЛАК

*Қор ёғар,*
*Майдалаб,*
*Тун ҳам ғаройиб.*
*Борлиқ жим, гўёки хаёлга чўмган.*
*Байрам бу —*
*Ўйлайман гоҳ маъюс, гоҳ шод,*
*Янги йил, менга не келтираркинсан?*

*Йиллар ўтар,*
*Умр ўтар,*
*Тўхтаб турмас вақт.*
*Улғайганимизни сезмаймиз баъзан.*
*Тақдир ўзгаради,*
*Ҳар дам,*
*Ҳар соат,*
*Янги йил, менга не келтираркинсан?*

*Назар ташлагин-чи*
*Босган йўлингга,*
*Бир чимдим меҳрни қизғондинг кимдан?*
*Яхши сўз айтдингми,*
*Бирор кимсага?*
*Янги йил, менга не келтираркинсан?*

*Онанг насиҳатин*
*Турдингми тинглаб,*
*«Лаббай» дер эдингми чақирса отанг.*
*Кўнглинг тўлармикин,*
*Ўтганни эслаб?*
*Янги йил, менга не келтираркинсан?*

*Бордир ҳар бир ишнинг*
*Савол-жавоби,*
*Яшасайдик ҳеч вақт қилмайин армон.*
*Ўтган шу умримиз*
*Биздан розими,*
*Янги йил, менга не келтираркинсан?*

**Наргиза СОАТАЛИЕВА**

## Эътироф

# ЙИЛНИНГ НУРЛИ ЙЎЛЛАРИ

**Йил — аср фарзанди, даврнинг ҳарорати парчаси. 365 кун ичида йил ўз ҳасби ҳолини битади, тарихдаги ўрнини белгилайди. Биз Ўзбекистон Республикасининг ўн тўққизинчи йили билан хайрлашяпмиз. У аввалги ўн саккизинчи йил сингари жўшқин, воқеа-ҳодисаларга бой, Мустақилликка садоқат билан хизмат қилган муддат бўлди.**

Мен ўтиб бораётган йилимизни ишчи кийимида, яратувчиликка бус-бутун берилган ҳолатда тасаввур қиламан. Мустақилликнинг ўн тўққизинчи йили ёш, навқирон, ҳар томонлама камолга эришаётган йигит-қиз қиёфасида кўз ўнгимда жонланади.

Ўтган йили ҳамма ғайрат билан фаолият кўрсатди, мустақилликни мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшди. Президентимиз раҳнамолигида бор эътиборини баркамолликка интилаётган ёшларимизга қаратди.

Бугунги кунда тадбиркор, фермер, мураккаб технологиялар билан иш юритаётганлар асосан ёшлардир. Уяли телефон, интернет тармоғи, компьютерда бажарилаётган минглаб турдаги юмушлар ҳозирги замоннинг зарурий воситаси, иш қуролига айланди. Глобаллашув жараёнида ақлни ақлга, янгиликларни ихтироларга, тадбиркорлик билан фойда кўришни фойда манбаига улайдиган восита илғор технология бўлиб қолди. Янги технология жамоат ташкилотлари бошини ҳам қовуштиряпти. Футурологиянинг авж олишига ҳам ҳисса қўшмоқда. Ёшларимиз жаҳондаги ўнлаб, юзлаб ташкилотлар ишида фаол иштирок этмоқда.

Республикамизда бунёдкорлик ишлари шитоб билан давом этяпти. Банк, бизнес, кенг тармоқли соҳа бинолари, меҳмонхона мажмуалари қад ростламоқда. Эътибор беринг-а, йирик иншоот атрофидаги яшил майдон, фаввораларaро ички меъморий боғлиқлик, мутаносиблик мавжуд.

Йил сайин, кун сайин обод ва кўркамлашиб бораётган шаҳарларимизнинг бош дарвозалари – аэропорт, вокзалларда куну тун ҳаёт қайнайди. Турли тилларда гаплашаётган ишбилармону элчиларни, сайёҳларни учратасиз. Меҳмонларни хушбичим, тилида боли бор ёшларимиз ўзбегимга хос меҳмоннавозлик билан кутиб олиб, кузатади.

Ҳозир юртимиз маркази – азим пойтахтимиз Тошкентда Турин, Сингапур, Вестминстер сингари жаҳондаги нуфузли олий ўқув юртлари филиаллари фаолият кўрсатяпти. Бу университету институтларда талаба-ёшларимизга асосий фанлар бўйича сабоқни хориждан ташриф буюрган олимлар бермоқда. Ишонч борки, бир неча йиллардан сўнг ўзимизнинг ёш мутахассис-олимларимиз ҳам хориж олий ўқув юртларида маъруза ўқийди. Ҳозир ҳам номдор олимларимизнинг аксарияти жаҳоннинг машҳур ўқув юртларида тажриба алмашаётир.

Ютуқларимиз гарови ҳақида ўйлаганимда, халқимиз ва давлатимиз раҳбарининг аҳиллиги эътиборни жалб этади. Президентимиз йил давомида ҳар бир вилоятда бир неча бор бўлади, бунёдкор инсонлар билан учрашади. Қаерда, кимлар билан учрашмасин, истиқбол режасини аниқ кўрсатиб беради. Айни саратон палласида Юртбошимиз Бухоро вилояти деҳқонлари билан дала шийпонида учрашди. Раҳбар ва халқ орасидаги мулоқот қуёш ҳароратидан-да қизғинроқ бўлди.

Ўзбекистонда тотувлик, аҳиллик, ўзаро ҳурмат муносабатлари алоҳида эътиборга лойиқ. Маҳаллаларимиз аҳли шундай иноқ яшайдики, беихтиёр уларга ҳавас қила бошлайсан, киши. Маҳаллалардаги тотувлик, оталар ва болалар ўртасидаги муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилганлиги кексаларимиз умрини узайтиришдаги асосий омил бўлса, ажаб эмас.

Лотин тилида «толерантлик» тушунчаси бор. Уни қанот, тоқат ҳам дейишади. Толерантлик аслида ўзини енгиш, ҳис-ҳаяжонга эрк бермаслик. Баъзида инсонлар лозим пайтда ўзини жиловлай олмайди. Президентимиз Қирғизистондаги хунрезликларга зинҳор бепарво бўлмади. Мамлакат раҳбари сифатида ўзини қўлга олиши зарурлигини англади. Курашнинг қонуний, халқаро муносабатларга монанд йўлини танлади. Ҳақиқий раҳбарнинг қалбидаги гавҳар — толерантлик, керакли пайтда ҳис-ҳаяжонларни жиловлай билиш, ўзини осойишта кўрсата олишдир. Мудҳиш воқеалар ортда қолди: ёвуз ниятлилар шарманда бўлди. Глобаллашув жараёни ҳар бир юрт-давлатдаги ютуқ ва камчиликларни юзага олиб чиқади. У мисоли тиниқ кўзгу: қалбни ҳам, ақлни ҳам, бағри кенгликдан унумли фойдаланишни ҳам кўзга кўрсатади-қўяди. Глобаллашув моддий бақувват, бой-бадавлат юртлар интилишини ҳам, миллий қадриятларни қадрлаган, халқлараро тотувликни улуғлаганларни ҳам синовдан ўтказмоқда.

Кўряпмиз, эшитяпмиз: кўп мамлакатларда ёшлар бебошлик қиляпти, гиёвандликка гирифтор бўлмоқда. Беадад шукрки, юртимизда аҳиллик, тотувлик, яратувчилик руҳи йил бўйи давом этди. Нурли из қолдирган 2010 йилнинг асл фазилатлари 2011 йилда ҳам давом этсин.

**Абдуғафур РАСУЛОВ,**
**профессор**

# ШОДИЁНА АЙЁМ

**Янги йилни, Қорбобо совғаларини, ранг-баранг ўйинчоқларга безалган кўм-кўк арчани айниқса, ўғил-қизлар интизор кутишади. Арча шоҳлари хонадонга муаттар ҳид бағишлайди. Жонли табиатнинг кичик бир зарраси уйимизга кириб келганга ўхшайди.**

Янги йил ҳар доим шундай байрам қилинганми? Маълумки, Марказий Осиёда 21 март — баҳорги кеча-кундуз тенглиги кунида байрам қилинган ва бугунги кунда Наврўз тантана қилиб келинмоқда.

Кейинчалик янги йилни 1 январда нишонлаш, дарахт безатиш одатга айланган. Биз Қорбобо — русча Дед Мороз, Қорқиз — Снегурочка, арча байрами эса ёлка сўзларининг таржимаси эканлигини ўйлаб ҳам ўтирмаймиз.

Хўш, «ёлка» ҳақиқатан ҳам арча байрамими? Бу атама «ель» дарахти номига сўз ясовчи «ка» қўшимчаси қўшилиб ҳосил бўлган. Ель — қарағайсимонлар туркумига кирадиган, асосан Шимолда ўсадиган баланд бўйли дарахт. Арча эса сарв дарахтлари туркумига киради, у сербуток, кўпинча паст бўйли дарахт. «Ёль» сўзи дастлабки пайтларда ўзбек тилига арча деб, ёлка эса арча байрами деб таржима қилинган. Ўзбек ботаниклари ель арча эмас, қора қарағай эканлигини аниқлади.

Қарағайнинг яна бир қанча турлари бор: пихта - оқ қарағай (игнаси оч ранг), сосна - қизил қарағай. Лекин ёлкани «қарағай байрами» деб ўзгартириш шарт эмасга ўхшайди... Тил тарихида бундай ғалати оммалашган сўзлар кўп.

Янги йил арафасида ботаниклар атамасига амал қилиб, «қарағай байрамингиз қутлуғ бўлсин, қарағайдек асрдийда, сарвқомат бўлинг, азиз дўстлар» деб, яхши тилак билдирамиз, холос. Бинобарин, арча байрамингиз муборак бўлсин!

**Акбар АЛИЕВ**

# БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА ФАЙЗ КИРИТИБ

**Пойтахтимиз деҳқон бозорларида анъанавий қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг байрамолди савдо ярмаркалари давом этмоқда.**

"Тошбозортайёрловсавдо" уюшмасидан маълум қилишларича, пойтахтимиздаги деҳқон бозорларида ташкил этилган савдо ярмаркалари орқали 3 минг тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотилган. Жумладан, пойтахтимиз аҳолиси ва шаҳар меҳмонлари 771,3 тонна картошка, 886,4 тонна пиёз, 1042,1 тонна сабзавот, 316,8 тонна олма ва нок харид қилди. Савдо-ярмарка иштирокчилари ҳамда харидорлар учун қулайлик яратиш мақсадида Тошкент шаҳридаги бозорлар ва уларнинг филиалларида энг қулай расталардан махсус жойлар ажратилган.

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги "Сергели" деҳқон бозорида фаолият юритаётган ана шундай ярмаркада Жиззах вилояти миришкорлари ўз маҳсулотларини харидорларга тақдим этаётир. Савдога қўйилган хилма-хил маҳсулотларнинг сифати юқори, нархи эса анча арзон.

– Бозорларимиздаги тўкинлик халқимиз турмуши тобора юксалиб бораётганидан яна бир далолатдир, – дейди Жиззах вилояти ҳокимлиги вакили Бердиёр Холматов ЎзА мухбирига. – Картошка, пиёз, карам, гўшт, сут, тухум каби озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг барқарор сақланишида анъанавий савдо-ярмаркалари муҳим омил бўлаётир. Вилоятимиз фермерлари пойтахтимиздаги мазкур ярмаркага ҳозирга қадар 7 тонна гўшт, 200 тоннадан зиёд картошка, 200 тонна пиёз, 250 тонна сабзавот, қарийб 180 тонна мева ва полиз маҳсулотларини етказиб берди. Ярмарка давомида яна 400 тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шаҳарликлар дастурхонига тортиқ этиш мўлжалланмоқда.

Яккасарой туманида фаолият юритаётган ярмаркада Самарқанд вилояти миришкорлари ўзлари етиштирган сифатли ва нисбатан арзон маҳсулотларни харидорларга тақдим этаётир.

– 2010 йил биз, деҳқонлар учун янада баракали бўлди: мўл ҳосил етиштириб, яхши даромад олдик, – дейди Пастдарғом туманидаги "Дилафрўз" фермер хўжалиги раҳбари Шерали Раҳмонов. – Ярмаркага хўжалигимизда етиштирилган сабзи, пиёз, картошка ва олманинг энг сараларини олиб келдик. Кўриб турибсиз, харидор кўп, маҳсулотимиз сифатли, арзон. Савдо қилишимиз учун барча қулайликлар – тош-тарозидан тортиб, омборхонагача муҳайё қилинган.

Байрамлар арафасида ўтказилаётган анъанавий савдо ярмаркалари харидорларга ҳам маъқул бўлаётир.

– Савдо-ярмаркадан бир йўла қишга етадиган пиёз ва картошка харид қилдим, – дейди харидор Зуҳра Шукурова. – Сифатли маҳсулотни деҳқоннинг ўзидан сотиб олганга нима етсин. Аҳоли манфаатини ўйлаб амалга оширилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик учун Юртбошимиздан миннатдормиз.

**Сайёра ШОЕВА**

## Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

# ҲАРБИЙЛАРГА БАЙРАМ СОВҒАСИ

**Мамлакатимизда Янги йил шодиёналари бошланаётган шу кунларда Шарқий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган бир гуруҳ Ватан ҳимоячиларига янги уйлар топширилди.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, қулай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилмаларни яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан тегишли қурилиш-таъмирлаш ташкилотлари билан ҳамкорликда ушбу йўналишда муайян ишлар амалга оширилаётир. Шарқий ҳарбий округ ҳудудида топширилган янги уйлар ҳам ҳарбийларга муносиб байрам туҳфаси бўлди.

– Оила аъзоларим ва яқинларимнинг қувончи чексиз, – дейди ЎзА мухбирига офицер Фурқат Турдалиев. – Янги йил байрамини барча қулайликларга эга янги уйда нишонлайдиган бўлдик. Биз, ҳарбийларга кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик Ватанимиз тинчлигини, осмонимиз мусаффолигини сақлашда янада кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

Янги уйларнинг топширилиши муносабати билан ўтказилган тадбирда мамлакатимизда замонавий, профессионал армиянинг шаклланганини, эл-юрт осойишталиги йўлида камарбаста бўлаётган ҳарбий хизматчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар кўлами тобора кенгайиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

**М.СУЛАЙМОНОВ**

# ШУКРОНА ТУЙҒУЛАР ҚАЛБНИ БЕЗАТГАЙ

Ҳаво мусаффо кезларда тонг маҳали деразани очсангиз, узоқдаги қорли чўққиларга кўзингиз тушади. Мана шу манзаранинг ўзиёқ сизда ажиб ҳис-туйғуларни уйғотади.

Дунё абадий, умр эса ўлчоғлик...

«Мен нималарни уддаладим? Нималарга улгуролмаяпман?» Худди шундай ўй-фикрлардан сергак тортиб, беихтиёр ўтган кунларингизни сарҳисоб қила бошлайсиз. Бу эса сизни эртанги ҳаётингиз режасини белгилаб олишга ундайди.

Ўзингиз гувоҳ бўлган воқеа-ҳодисалар хаёлингиздан бирма-бир ўтади...

* * *

Олис вилоятдан меҳмонга келган жияним «шаҳар айланаман» деб чиқиб кетдию алламаҳалда терлаб-пишиб уйга кирди.

— Адашиб юрдим, опа. Тошкент жудаям ўзгариб кетибди, худди чет элдагидай биноларни кўриб, оғзим ноқ очилиб қолди!

Мен унинг қаерларда бўлганини суриштирдим. Бормаган жойларини таърифлаб, «эртага албатта кўриб келгин», дедим. Шу аснода қалбим ғурур туйғулари билан тўлди.

Шаҳримиз чиндан ҳам беқиёс даражада гўзаллашди. Шу масканда яшаётганларнинг қалб олами ҳам эзгу фикрлардан янада нурафшон бўлди. Кўчалар ҳар қачонгидан гавжум. Илм сари изланишлар, маърифий анжуманлар, сермазмун мулоқотлар ҳар бир кишини бу кун қайноқ баҳсларга чорлаб туради.

Ҳамшаҳарларимиз ҳар соҳада ўзларини қайта кашф этиб яшаётгандай гўё. Муҳими, машаққатли меҳнат ўз соҳибига албатта бахту омад олиб келишини эндиликда ҳар бир киши тушуниб етади. Зеро беҳаловат кунлар ичра ҳаловат яширингдир. Ушбу йилда саодатга интилиб, анчамунча тер тўккан бўлсак, янги йилда заҳматларимиз ҳосилидан баҳраманд бўламиз. Бу аниқ.

Кўпни кўрган кексалар «Яхшиликнинг йўли узун» деб бежиз айтишмаган, ахир. Ҳаётини яхшиликларга сарфлаган кишининг умри узун бўлиши ҳам ҳақиқат.

Фақат биз ён-атрофимизда рўй бераётган мўъжизавий ўзгаришлардан илҳомланиб, аниқроғи, ҳаётдан завқ олиб яшамоғимиз керак. Қалбимизда бу кунларга шукроналик туйғуси жўш уриб турсин. Шундагина умримизни сермазмун ўтказмоққа чоғланамиз.

* * *

Оппоқ қор ёғаяпти. Борлиқ оқ парку либосга бурканаётир. Мана шу қор парчалари она замин ва дов-дарахтларнигина эмас, балки қалбимизни ҳам оқликка чулғасайди, деб ўйлаб қоламан. Ана шунда биз арзимаган дилхираликлар учун ҳаётимизни гаровга қўйиб ўтирмасмидик...

Аксариятимиз ҳаётдан завқ олиб яшашнинг ўрнига майда-чуйда ташвишлар билан ўралашиб юрамиз. Бу ташвишлар кун сайин миямизни банд этади, сўнг муаммолар қаърига тобора чуқурроқ шўнғиймиз. Қарабсизки, ҳаётимиз янада оғирлашаверади!

Бизга инъом этилган ҳаёт отлиқ буюк неъмат аслида ўлчоғлиқ эканини биламиз. Билсак-да, парво қилмаймиз. Аслида на боши, на охири кўринмайдиган майда-чуйда ҳою ҳаваслар атиги бир соатлик гўзал ҳаётимиз олдида ҳеч нарсага арзимайди! Биз эса кўпинча уларга бор ҳаётимизни қурбон қиламиз!

Ўйлаб кўрайлик, ҳаётимизнинг асл баҳоси қанча, ўзи?!.

... Кекса онасини қўлтиқлаб олган қирқ беш ёшлардаги аёлни мен ҳар куни ишга кетаётиб йўлакда учратардим. Иккови оҳиста қадам ташлаб, жимгина боришарди. Баъзан ишдан қайтаётганимда ҳам айланиб юришганини кўрардим. Кейинчалик бу мен учун одатий ҳол бўлиб қолди.

Менга бир воқеани гапириб беришди. Кўп йиллар аввал битта оила жам бўлиб, бошқа юртдаги қариндошларининг тўйига отланишган. Ярим тунда улар ўтирган машина катта тезликда бораётиб, ҳалокатга учраган. Уч йўловчи шу заҳотиёқ ҳаётдан кўз юмган. Икки йўловчини шифохонага олиб кетишган. Улар бир неча ҳафталар ҳушсиз ётиб, сўнг аста, секинлик билан соғая бошлаган. Ойлар, йиллар ўтганидан кейингина иккиси ҳам оёққа турган...

Ўша икки йўловчи Она билан қиз эди!

Гўёки «бир ўлиб тирилган», кейинги ҳаётини мўъжиза деб билган шу икки аёлга нисбатан кўнглимда ўзгача эҳтиром пайдо бўлди. Улар энди яқин кишиларимдек бўлиб қолганди. Ҳар гал ёнларидан ўтаётиб юрагим илиқ ҳис-туйғулардан ёришар, шу гўзал ҳаётда яшаётганим ва бу ёруғ оламда борлигимга қайта-қайта шукр қилардим.

* * *

Кўпчилигимиз ҳаётимизни арзонга баҳолаймиз, деб ўйлайман баъзан. Ахир биз нима учун дунёга келганмиз? Нега яшаяпмиз? Умримиз охиригача белгилаб қўйилган бурч ҳамда вазифаларимизни тўғри ва ҳалол бажариш учун аввало соғлом, иродали, виждонли бўлишимиз зарур эмасми? Ҳис-туйғуларимизни жиловлашни нечун ўрганмаймиз? Нима учун бизга бир мартагина ато этилган азиз ҳаётимизни қадрламаймиз?

Кўзлари ожиз бўлса-да, Милтон бу ҳақиқатни уч юз йил олдин кўра олган ва «Инсон тафаккури қалбидадир, унинг ўзи жаннатни дўзахга, дўзахни жаннатга айлантира олади», деган сатрларни ёзиб қолдирган. Эшитиш, кўриш ва гапириш қобилиятлари бўлмаган Элен Клер эса «Ҳаётим нақадар ажойиб ўтаяпти» дея тинмай таъкидлаган экан. Инсонда шукроналик туйғуси барқарор бўлса, ҳаёт ширин ва гўзал кўринади, шунда муаммолар ҳам осон ҳал бўлади, ғам-ташвишлар чекинаверади.

Инсонийлик вазифаларини бажариб, ўзидан яхши ном қолдираётганлар жуда-жуда кўп. Биз ҳам уларга эргашсак, ҳаётидан ўрнак олсак, келгуси авлодлар ҳавас қилгулик умр кечирсак, қанчалар соз, шундай эмасми?

Яна бир йилни тарихга кузатдик. Оқ ниятларни дилга тугиб, янги йилга қадам қўйдик. Демак, янги йилдан бошлаб янгичароқ яшашга ҳаракат қилишимиз керак. Ахир биз ҳаётимизни ўзгартиришга қодирмизми? Албатта. Қандай қилиб дейсизми? Мулоҳаза қилинг, бизнинг ҳаётимиз шу ҳаёт ҳақида нимани ўйлаётганимизнинг ўзгинасидир! Агар биз бахт ҳақида хаёл сурсак, ўзимизни бахтли ҳис этамиз. Ўйларимиз ғамгин бўлса, тушкунлик гирдобидаги инсонга айланамиз. Бордию фикрларимиз қўрқинчли бўлса, ўз-ўзимиздан даҳшатга тушамиз. Нуқул касалликлар ҳақида ўйлайверсак, чиндан ҳам дардга чалинамиз.

Демак, ҳар биримиз чиройли ўй-фикрларни қалбимизга жойлаб, шу тарзда ҳаётимизга ёруғлик олиб кирмоғимиз лозим.

* * *

Оппоқ қор ёғаяпти...

Гўё дунё оппоқ бир қасрга айланаётгандай!

Мана шу оқлик ичра бизни ўраб турган борлиққа ёруғ юз билан назар ташласак, қанчалар соз. Зеро, «Ҳаётни жилмайиб қаршиласанг, у ҳам сенга кулиб боқади», дейдилар. Қолаверса, ўзимиздан бўлак ҳеч ким бизга кўнгил хотиржамлигини бера олмайди! Муҳими, ҳаётимизнинг ҳар лаҳзасини қадрлаб яшайлик, чунки у биз билган ҳамма нарсадан қимматлироқдир.

Шу соатларнинг ўзидаёқ «Бошқаларга яхшилик соғинсам, ўзимга яхшилик қилган бўламан» деган гапларни ичингизда такрорланг.

Худди шундай денг.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

## ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Янги 2011 йил

ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга олам-олам бахт, қувончу шодликлар олиб келсин!

Эзгу орзу-ниятларимиз амалга ошиб, ҳаётимиз янада серзавқ, мазмунли бўлсин!

«ЎЗБЕКИСТОН ШАМПАНИ» ОАЖ ЖАМОАСИ

---

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР, ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ТАДБИРКОРЛАР!

Янги — 2011 йилда

барчангизга сиҳат-саломатлик,

узоқ умр, оилавий бахт-саодат

ва хотиржамлик тилаймиз.

Турмушимиз фаровон,

дастурхонимиз тўкин бўлсин!

«ARCHIE PLUS FABI»
ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

---



TASHKENT-TRANS-ENERGO

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-САВДО КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни шукуҳли ва қувончли дамларда



қутлуғ Янги йил шодиёнаси билан чин дилдан самимий муборакбод этади.

Янги йил ҳар биримиз учун ютуқ ва омадларга бой, фаровонлик ва тўкинлик йили бўлсин. Сиҳат-саломатлик, шоду хуррамлик, бахту саодат барчамизга йўлдош бўлишини тилаймиз.
Юртимиз тараққиёти йўлидаги эзгу ишларимиз бароридан келсин.

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

---

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Янги — 2011 йилда
сизга ва оила аъзоларингизга меҳнат фаолиятида,
ўқишда, жамоат ишларида ҳамиша бахт
ва омад ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламиз!

Хонадонингиздан тўкин-сочинлик ва қут-барака аримасин.

OSIYO

«OM-AK-NUR-BIZNES» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

«Осиё» сифат мазаси

Маҳсулот сертификатланган


АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили юксак фаровонлик йили бўлсин!
Тадбиркорларимизнинг мамлакат тараққиётидаги ҳиссаси ортиб бораверсин!
Янги йилда барчангизга унутилмас зафар онлари, бахт-саодат, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.
«ЎЗНЕФТМАҲСУЛОТ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ


2011 йил
барчамиз учун сермазмун ва омадли бўлсин, кўпдан-кўп муваффақиятлар ва бахт келтирсин!
Тадбиркорларнинг эл-юрт фаровонлигига қўшаётган ҳиссаси янада салмоқли бўлсин!
«Низаметдинов С.А.»
хусусий корхонаси жамоаси


ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР,
АЗИМ ШАҲРИМИЗ АҲЛИ!
Сизларни 2011 йил –
Кичик бизнес ва тадбиркорлик йили билан самимий муборакбод этамиз.
Ҳаётингиз фаровон, дастурхонингиз тўкин бўлсин. Хонадонингизга кут-барака ёғилаверсин. Азал-азалдан ишнинг кўзини билган ҳамюртларимиз орасида тадбиркорлар кўпаяверсин.
Янги йил қадами қутлуғ бўлсин!
ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ МУЛКИНИ
ИЖАРАГА БЕРИШ МАРКАЗИ
Бизнинг хизматдан фойдаланиш ниятингиз бўлса, қуйидаги телефонларга мурожаат қилинг:
233-94-01, 236-39-94 (факс). www.gki.uz


Қадрли ҳамшаҳарлар!
«Ўзстандарт агентлиги Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошкармаси барчангизни кўнгилларга қувонч бахш этиб кириб келган
Янги 2011 йил билан қутлайди.
Оилангизга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизга файзу барака, ишларингизда омад тилаймиз.
Ҳар ҳафтанинг жума қунида «Очиқ эшиклар куни» ўтказилишини эслатиб ўтамиз.
Мурожаат учун телефон: 227-10-03

# ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАЛАРИ — БОЛАЛАРГА









Ёрқин Шамсиддинов олган суратлар

**Янги йил шодиёналари нишонланаётган шу кунларда юртимиздаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар фарзандларига, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига байрам совғалари топширилмоқда.**

Ана шундай байрам тадбирларидан бири пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 24-Меҳрибонлик уйида бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда, жисмоний ва ижтимоий аҳволидан қатъи назар, барча ёшларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга пухта таълим-тарбия бериш, қалби ва онгида Ватанга муҳаббат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини мустаҳкам қарор топтириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидандир.

Мазкур Меҳрибонлик уйи директори Доно Ворисованинг таъкидлашича, бу ерда 3 ёшдан 12 ёшгача бўлган юз нафарга яқин ўғил-қиз тарбияланади. Уларнинг яшаши, билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши учун барча шароит ва имконият яратилган. Жорий йилда тубдан реконструкция қилинган Меҳрибонлик уйидаги замонавий компьютер ўқув хонаси, ахборот-ресурс маркази, спорт зали, ошхона ва ётоқхона замон талабларига мос жиҳозланган. Шунингдек, тасвирий ва амалий санъат, мусиқа, рақс, спорт, компьютер саводхонлиги тўгараклари болаларнинг бўш вақтини тўғри ва мазмунли ташкил этишга хизмат қилаётир.

– Янги йил байрами арафасида кўплаб ажойиб совғалар олдик, – дейди мазкур Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Элдор Акбаров. – Бундай эътибор ва ғамхўрлик кўнглимизни кўтаради, янада яхшироқ таълим-тарбия олиб, эл-юртимизга наф келтирадиган инсон бўлиб камолга етишга ундайди.

Тадбирда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа бир қатор ҳомий ташкилотларнинг байрам совғалари топширилди. Болалар бадиий жамоалари иштирокида концерт намойиш этилди.

**(ЎзА)**

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ДОНОЛИК ҲАҚИДА

**Ақл ақлдан қувват олади.**

**Ақл билан мингни кўндирсанг,**
**Ҳайқириш билан бирни кўндирасан.**

**Ақл билан одоб эгизак.**

**Ақл бозорда сотилмас.**

**Ақл бўй билан ўлчанмас.**

**Ақлга ишорат кифоя.**

**Ақлдан ортиқ бойлик йўқ.**

**Ақл — дунёнинг кўзи.**

**Ақл ёшдан, одоб — бошдан.**

**Ақлинг пеш — ишинг беш,**
**Ақлинг кеч — ишинг ҳеч.**
**Ақлли иш — қанотли қуш.**

**Ақлли ўзини айблар,**
**Ақлсиз — дўстини.**

**Аввал ўйла, кейин сўйла!**

**Ақли калта панд ейди,**
**Ақли теран қанд ейди.**

**Айтувчи нодон бўлса,**
**Тингловчи доно керак.**

**Ақлни беақлдан ўрган.**

**Ақл ойга учиради.**

**Ақлсиз оғзидагини олдирар.**

**Аҳмоқ дўстдан ақлли душман яхши.**

**Аҳмоқ дўст ёвдан ёмон.**

**Аҳмоқнинг катта-кичиги бўлмас.**

**Аҳмоқнинг ўзи билмас,**
**Билганнинг сўзига кирмас.**

**Аҳмоқ ўзини мақтар.**

**Белги бўлса, йўлдан адашмас,**
**Ақл бўлса, сўздан адашмас.**

**Бошда ақл бўлмаса,**
**Оёқда тиним бўлмайди.**

**(Давоми бор)**

## Спорт янгиликлари

## ОЛИМПИАДАГА ТАЙЁРГАРЛИК

**Мамлакатимиз спортчилари 2012 йил Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида муваффақиятли иштирок этиш учун изчил тайёргарлик кўрмоқда.**

Президентимизнинг 2009 йил 5 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифаларнинг ижроси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида ўтказилган йиғилишда муҳокама этилди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда спорт федерациялари вакиллари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан ва маънан соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Юртимизда олимпиадачилар тайёрлашнинг ноёб тизими яратилди. Бугун иқтидорли спортчиларимиз жаҳоннинг энг нуфузли спорт мусобақаларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётгани бу борадаги ишларнинг амалий натижасидир.

Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган уч босқичли дастурга кўра, спортчиларимиз замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳоратини ошириши, халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши ва уларда муносиб иштирок этиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Жорий йил 14-26 август кунлари Сингапурда ўсмирлар ўртасида ўтказилган I Олимпия ўйинларида спортчиларимиз уч кумуш ва олти бронза, жами тўққиз медални қўлга киритган бўлса, 12-27 ноябрь кунлари Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказилган XVI Осиё ўйинларида ҳамюртларимиз 11 олтин, 22 кумуш, 23 бронза, жами 56 медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида кучли саккизликдан жой олди.

Йиғилишда, деб хабар беради ЎзА, айрим спорт турлари бўйича спортчилар захирасини яратиш, малакали мураббийлар тайёрлаш, ўқув-машғулот базаларининг моддий-техник имкониятларини оширишга доир масалалар муҳокама қилинди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ**

**Пойтахтимиздаги "Форум юниор спорт" болалар спорти мажмуида бадиий гимнастика бўйича "Қор парчаси-2010" спорт мусобақаси ўтказилди.**

## ГИМНАСТИКАЧИ ҚИЗЛАР БАҲСИ

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан ташкил этилган мусобақада пойтахтимиздаги Олий спорт маҳорати ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг ўқувчилари, бадиий гимнастика бўйича болалар клублари аъзолари иштирок этди.

Мамлакатимизда ёшлар саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили сифатида болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қизларни бадиий гимнастикага кенг жалб этиш, спорт мактаблари ва соғломлаштириш мажмуаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уларни моҳир мураббийлар билан таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ҳам ўқувчи-ёшларнинг спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун кенг шарт-шароитлар яратиш, қобилият ва маҳоратини юзага чиқаришга яқиндан кўмаклашиш мақсадида бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

«Қор парчаси-2010» мусобақасида беш ёшдан ўн икки ёшгача бўлган тўқсон нафар гимнастикачи қиз иштирок этди. Улар якка ҳолда мусиқа жўрлигида копток, ҳалқа, арқон, тасма билан машқлар бажарди.

Мусобақада, деб хабар беради ЎзА, турли ёшдаги иштирокчилар тоифасида София Қосимова, Лана Бухенко, София Утямишева, Сония Сотимбоева, Сабина Валиахметова, Саида Давидова, Екатерина Сабристова сингари гимнастикачи қизлар биринчи ўринга лойиқ топилди. Ғолибларга диплом ва совғалар топширилди.

**Назокат УСМОНОВА**

## ЖАНГОВАР ДУРАНГ

**Бирлашган Араб Амирликларида ўқув йиғин машғулоти ўтказаётган Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси куни кеча Баҳрайн терма жамоасига қарши назорат-ўртоқлик учрашувида куч синашди.**

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жаҳон чемпионатига саралаш учрашувларида ёки Осиё чемпионати баҳсларида баҳрайнлик чарм тўп усталари терма жамоамиз учун доимо ноқулай рақиб сифатида муаммо туғдириб келган. Ҳар ҳолда Қатарда келгуси йили футбол бўйича уюштириладиган Осиё чемпионатида совринли ўринларни эгаллашга аҳд қилган ҳамюртларимиз бу сафар баҳрайнликларга қарши сермазмун ўйин намойиш эта олишди. Шиддатли курашлар остида ҳужумкор ўтган беллашувнинг биринчи бўлимида Гейнрих жамоадошлари бошлаган ҳужумни самарали якунлаб, рақиб дарвозасини аниқ нишонга олди ва терма жамоамизнинг ҳисобда олдинга чиқиб олишини таъминлади — 1:0.

Иккинчи бўлимда араблар ҳам ҳужумкорликка зўр бердилар. Учрашув якунланишига саноқли дақиқалар қолганида, Салмон Иса томонидан терма жамоамиз дарвозасига киритилган гол учрашувнинг 1:1 ҳисобида якунланишини таъминлади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

### ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида 2011 йил **1 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди, кечаси ва эрталаб туман тушади. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 1-3 даража совуқ, кундузи — 7-9 даража илиқ бўлади.*

*Республика ҳудуди бўйича ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларга туман тушади. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 3 даража совуқ-2 даража илиқ, кундузи — 7-12 даража илиқ бўлиши кутилмоқда.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **1 январь** куни эрталаб Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоизга пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*

Ҳамза туман тадбиркор субъектларни рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2009 йил 6 мартдан 02228-07 сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган Ҳамза тумани Висол 1-тор кўчаси, 6-уй манзилида жойлашган «Viola-Grand» хусусий корхонаси (СТИР 301090846) тугатилади. Даъволар икки ой давомида 453-49-65 телефони орқали қабул қилинади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2592 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5

Буюртма Г- 1106

Топширилган вақти: 20.00